ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ-
O'.K.U.F. F.T.U.U.
ОЛИЙ БАХТ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 9 январ
сешанба № 4 (2261)

ISHONCH

Ушбу сонда:

2 КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ АМАЛДА

3 АДАБ ДУРДОНАЛАРИ

4 РЎЙИ ЗАМИН САЙҚАЛИ

Касаба уюшма ҳаёти

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП...

Зарбдор туман халқ таълими бўлими тизимида 25 та умумтаълим мактаби, 13 та боғча, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, болалар ижодиёти уйи фаолият кўрсатмоқда. Уларда меҳнат қилаётган 1761 нафар касаба уюшма аъзоси 40 та бошланғич ташкилотлар орқали таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вакиллигига бирлашган.

— Соҳа ходимларининг меҳнат билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларини белгилаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ходимнинг дам олиши, соғломлашуви, турмуш тарзининг юксалиши, иш берувчи ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида тузилган ижтимоий шерикчиликка асосланган битимга боғлиқ, — дейди туман вакили Эшонқул Ўтаганов. — Шундай бўлгач, у муҳим локал ҳужжат ҳисобланади.

Битимга кўра пенсия ёшига етган ходим ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдорида рағбатлантирилиб, нафақага кузатилади. Масалан, Сафар Эржигитов узоқ йиллар ХТБда самарали ишлаб келди. Яқинда у киши нафақага кузатилди. Юбилей маросими иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Касаба уюшма вакиллиги ҳамда маъмуриятнинг меҳр-мурувватини фақат шу билан кифояланмайди. Таълим тизимида узоқ йиллар ишлаб, ҳозирда нафақада бўлганлар ҳолидан доимо хабардор бўлиб турилибди. Турғун Норбўтаев, Бўрлибой Саидқулов каби 65 киши ана шулар жумласидан. Шунингдек, 15 нафар ногирон болаларга, 100 нафар кам таъминланган оила фарзандларига моддий мадад берилаяпти.

Мактабгача таълим муассасаларига ҳам эътибор ортаяпти. Уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлида бир қатор ижобий ишлар қилиндики, бундан ота-оналар ҳам мамнун. «Дилбар», «Шодлик», «Бойчечак» сингари болалар боғчалари зарур жиҳозлар билан таъминланди. 1-иқтидорли болалар мактаб-интернатига эса бадиий китоблар келтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004 — 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан ўқув муассасаларини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш бўйича истиқболли дастур ишлаб чиқилган. Ҳозиргача ўнта мактаб капитал таъмирланди. Сутбулоқ қишлоғида 150 ўринли янги мактаб биноси қурилди.

Яқин-яқингача туман халқ таълими бўлими маъмурияти кўримсиз, нураб қолган, эски, ташландиқ бинода жойлашганди. Бу эса қирққа яқин кишини ноқулай меҳнат шароитида ишлашга мажбур қиларди. Таъминот ташкилотига қарашли ташландиқ ҳолдаги бино ҳокимлик томонидан ХТБга ажратиб берилди. Ҳашар йўли билан қисқа муддатда бинога «жон» киритилди. Кўпнинг меҳнати билан 17 хонадан иборат мазкур бино ажабтовур масканга айланди-қолди. Эндиликда иситиш тармоғига уланган, шаҳарлардагидан қолишмайдиган даражадаги хоналарнинг ҳар бирига телефон ўрнатилган. Факс ва модем алоқаси ишлаб турибди. 5 та компьютер ходимлар хизматида. Мажлислар зали киши дилини яйратадиган даражада дид билан безатилган. Эътиборлиси шундаки, бу ердаги плакат ва панноларда тумандаги энг иқтидорли ўқувчи ва ўқитувчиларнинг таниш чеҳралари суратларда акс этган. Булардан ҳар бир зарбдорлик ўз қалбида ғурур ва завқ туйғусини туйиши аниқ.

Ўтган йил бошидан буён «Директор фонди» маблағлари ўқитувчиларга устама ҳақ тўлови, моддий рағбат, моддий ёрдам каби мақсадлар учун ишлатилмоқда. Туманда 150 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ шу жамғармага ўтказилган. Жамоаларда ташкил этилган комиссия қарорига кўра бу маблағ тасарруф этилмоқда. Бунда жойлардаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари бевосита иштирок этиб, пул маблағлари тақсимланишини назорат қилиб боришади.

Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам тармоқ ходимларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашда, уларга етарлича меҳнат, дам олиш шароитларини яратиб бериш, соғломлаштириш ва шу каби серқирра фаолиятларда касаба уюшма вакиллиги билан мамлакатимиз ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб боришмоқда.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

Ватан ҳимоячилари кунига

ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛА

Жанубий — Ғарбий махсус ҳарбий округда аскар ва зобитларнинг жанговор ҳарбий тайёргарлигини мустаҳкамлаш билан бирга уларнинг маънавий-маърифий ва интеллектуал қобилиятини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти.

Қарши шаҳридаги Офицерлар уйида мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 15 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Энг намунали оила» кўрик-танлови ўтказилди. Ушбу тадбирда ҳарбий қисмларнинг офицерлари, кичик командирлар, шартнома асосида ишлаётган ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари қатнашдилар.

Танлов шартларига асосан жойларда бўлиб ўтган беллашувларда ғолиб чиққан олти нафар ҳарбийлар оиласи пазандалик, орасталик, билимдонлик, топқирлик маҳорати ва ашула-рақс ижрочилиги бўйича мусобақалашдилар.

Кўрик-танлов якуни бўйича Нишон туманидаги Нуристон қўрғонида жойлашган ҳарбий қисм офицери Қаҳҳор Саидалиев оиласи энг намунали оила деб топилди.

Ғолибларга Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Қарши шаҳар ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

АСКАРЛАР ҚАСАМЁДИ

Жанубий-Ғарбий махсус ҳарбий округда Ватан хизматига чақирилган аскарларнинг тантанали қасамёди ўтказилди. Бу муҳим тадбир Нуристон шаҳарчасидаги ҳарбий бўлинмада ота-оналар, жамоатчилик вакиллари ва корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари иштирокида юксак уюшқоқлик билан ўтди.

Давлатимиз мадҳиясининг жўшқин садолари остида майдонга кириб келган аскарлар қувончи чексиз. Илк бор фуқаролик бурчини ўташга чақирилган Ватан ҳимоячилари Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафига кирар эканлар халқимизга, Президентимизга, она юртимизга садоқатли бўлишга қасамёд қилдилар.

Биз аскарларнинг ота-оналари билан суҳбатлашар эканмиз, аскар йигит Виталийнинг онаси Наталя Редкокаш ўғли ҳарбий хизматга чақирилганидан бениҳоя мамнун эканлигини, ёшлар учун армия ҳақиқий ҳаёт мактаби ролини ўташини, унинг ўзи эса эл-юртга муносиб фарзандни вояга етказганидан бахтиёрлигини изҳор қилди.

Тадбир сўнгида санъаткорлар ижросида қизиқарли концерт дастури намойиш этилди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

МАҚСАДЛАР МУШТАРАК БЎЛСА

Инсон кўнглини овлаш, уни меҳр оғушига олиш одамийлик тамойили. Азалий қадрият янгича мазмун ва моҳият билан бойитилмоқда. Бугун одамларимиз ижтимоий кўмак кўрсатишни фуқаролик бурчларига айлантириб олганлар. Касаба уюшма ташкилотлари ҳам бу хайрли, савобли юмушдан четда қолмаяпти. Кам таъминланган хонадонлар, кўп болали, қаровчисини йўқотган оилалар, кексалар ва ногиронлар ҳамиша диққат-эътиборимизда.

Вилоятимиздаги «Саховат», «Мурувват уй»ларига имкон даражасида кўмак кўрсатмоқдамиз. Тармоқ ходимлари Марказий кенгаши, вилоят вакиллиги томонидан яккаёлғиз қарияларга кўмаклар уюштирилди. Янги йил арафасида эса Сирдарё туманидаги Мурувват уйида истиқомат қилаётган ногиронларга 400 минг сўмлик иссиқ кийим-кечаклар туҳфа этилди. Шу давр мобайнида 48 нафар кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотган фуқароларга 646 минг 800 сўмлик, 56 нафар ёлғиз кексаларга 800 минг сўмлик, саховат ва мурувват уйларига 1 миллион 462 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Шу йўналишда ўқувлар ташкил этилиб, семинар-тренинглар ўтказилаётганлиги қўл келмоқда. Айниқса, инсон ҳақ-ҳуқуқлари, фуқароларнинг бурч ва мажбуриятлари тўғрисидаги ўқув-семинар самарали бўлди. Унда ҳудуддаги ҳуқуқшунослар иштироки таъминланди. Қизғин баҳс-мунозарали масалаларга ечим топилди. «Конституция, демократия ва миллий маънавият» мавзусидаги касаба уюшма етакчилари ўқуви ҳам ўз самарасини берди.

Соҳа ходимлари саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний чиниқиши йўлидаги фаолиятдан барча мамнун. Жумладан, Сирдарё шаҳридаги «Ширин» маҳалласида ташкил этилган спорт хонаси ёшлар билан гавжум. Бу ерда ёшлар шахмат-шашка сирларини ўрганишмоқда. Янги ижтимоий муҳофаза йилида бу борадаги ҳаракатлар янада жонланади.

Алишер ТОЖИЕВ,
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича вакили

мустаҳкамлаш, уларнинг санъати, маданияти, маънавий мероси билан барча юртдошларимизни таништириб бориш, ёшларимизни байналмилал руҳда тарбия қилиш ишига муносиб улуш қўшиб келмоқда. Айни дамда Байналмилал маданият маркази юртимизда фаолият кўрсатаётган 140 дан зиёд Миллий маданият марказлари ишини мувофиқлаштириб келади. Ташкилот фаолиятининг асосий йўналишларидан бири юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакилларининг Мустақиллик, Наврўз каби умумхалқ байрамлари, тантаналарни тайёрлаш ҳамда ўтказишда фаол иштирок этишларини таъминлаш, шунингдек, юртимиз тарихида ёркин из қолдирган шахсларга бағишланган турли тадбирларни ташкил этиш саналади.

Зарбдор қурилишларда

АДИРЛИК ОРАЛИҒИДАГИ МЎЪЖИЗА

Фарғона водийсини бекорга тоғлар ва адирликлар ўлкаси, дейишмайди. Чиндан ҳам осмонўпар тоғлар билан билакузукдек ўраб олинган бу масканда туриб атрофга назар ташлагудек бўлсангиз, булутлардан қалпоқ кийган юксак чўққиларга кўзингиз тушади. Тоғлар билан беллашгудек адирликлар эса ундан-да кўп. Масалан, Наманган шаҳридан чиқиб пойтахт сари чўзилган катта автомобил магистралидан юриб қолсангиз, сизга нуқул адирликлар йўлдош бўлади. Уйчи туманидаги Қизилровот қишлоғи ҳудудининг Норин дарёсига уланган четига туташ қисмидан бошланган ва адирликлар узра ўрмалаган катта Наманган канали худди биз ҳикоя қилмоқчи бўлган иншоот яқинидан оқиб ўтади.

Саксонинчи йиллар мобайнида бунёдга келган ва яралганидан буён тарашадек қотиб ётган, кейинчалик катта Наманган канали суви туфайли қишлоқ хўжалик оборотига қўшилган ана шу адирликлар бугунги кунда фақат вилоятгина эмас, балки Ўзбекистонимиз иқтисодий тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Ана шу обиҳаёт тармоғи туфайли ўтмишда қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди, деб таърифланган қир ва адирликларда ҳар йили юзлаб тонна пахта, ғалла ва бошқа экинлар етиштирилмоқда, боғ-роғлар гуллаб яшнамоқда.

— Ушбу сув тармоғи эндиликда яна бир хайрли ниятнинг амалга ошувида қўл келмоқда, — дейди вилоятда қурилаётган корхоналар бирлашмаси раҳбари Рустамжон Охунов. — Ҳар йили вегетация давомида хизмат қиладиган канал янгидан бунёд этилаётган Резаксой сув омбори заҳирасини яратиш ва фаолият кўрсатиш учун ҳам хизмат қиладиган бўлаяпти.

Гап шундаки, катта Наманган канали бунёд этилганлиги билан, барибир, унинг қуввати чекланган, вилоятнинг беҳисоб адирликларини ўзлаштиришга суви етмас, оқибатда Чуст, Поп, Мингбулоқ, Тўрақўрғон ва яна бошқа қатор туманлар деҳқонлари қийинчиликларга дуч келарди. Биз тилга олаётган сув омбори заҳираси учун тағин бир манба — Тошкент вилояти билан водий оралиғида асрий тоғлар узра тўшалган қорлар эриши натижасида ҳосил бўлган ирмоқлардан юзага келадиган Резаксой номи билан аталувчи канал суви ҳудабеҳудага Сирдарёга оқиб тушарди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра ана шу йўллар билан тўпланган сув нафақат Чуст ва Поп туманлари ҳудудларидаги юзлаб гектар адирликларни ўзлаштириш, балки қўшни Фарғона ва Андижон вилоятларининг Сирдарёга туташ туманларида сув таъминотини яхшилашга, шунингдек, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари деҳқонларига ҳам бу соҳада кўмак кўрсатишга имкон туғдиради.

Ана шу йўналишдаги орзу ва режалар узоқ йиллар кўнгиллар тубида ҳамда қоғозлардагина қолиб келди. Мамлакатимиз мустақиллиги эса уларни рўёбга чиқариш имконини берди. Республика ҳукумати бу борада махсус қарор қабул қилди. Сув омбори қурилиши учун зарур миқдорда маблағ ажратилди. Ушбу қурилишни амалга ошириш учун ўтказилган тендерда ғолиб чиққан ва бу борадаги бунёдкорлик ишларида катта тажриба тўплаган «Тўпалангсув ГЭС қурилиш» масъулияти чекланган жамияти 2003 йилнинг ноябр ойида 220 кишилик жамоа билан иш бошлади.

Таъкидлаш жоизки, аввало жамоанинг унумли меҳнат қилишлиги учун керакли шарт-шароит яратилди. Ишчилар учун иккита ётоқхона, иккита коттеж типидаги турар-жой, ошхона, новвойхона, ҳаммом, тиббиёт пункти, омборхона, юзлаб техникага хизмат кўрсатадиган автогараж ва бошқа маданий-маиший аҳамиятга эга бинолар барпо этилди. Бу эса мўлжалланган қурилиш-бунёдкорлик ишларининг режа асосида амалга оширилишини, қурувчиларнинг унумли меҳнат қилишларини таъминламоқда. Деярли барча вилоятлардан келган ва шу сингари йирик иншоотларда меҳнат қилиб ўзини кўрсатган, Марказий Осиёдаги қатор қурилишларда ишлаб тажриба орттирган сара қурувчиларнинг бир ерга жамлангани унумдорликнинг юқори бўлишини таъминламоқда.

Вилоят ва туман марказларида, шунингдек, қишлоқлар атрофида қор кўринмаса-да, адирликларга оппоқ поёндоз ёпилгандек. Аммо, қурувчилар, ҳайдовчилар, булдозер ва экскаватор бошқараётган йигитлар пешонасидан тер томчиларди. Қиш совуғидан оғиз очсангиз:

— Қиш бекорчиларга, ишлаётганларга унинг таъсири билинмайди, — деб қўйишади. Бизга маълумот беришларича, мазкур сув иншоотининг биринчи навбат қурилиши 2007 йил август ойига бориб тугалланади. Режага кўра иншоот тўғонининг дастлабки қисми баландлиги 48, узунлиги 1528 метр бўлади. Сув омборининг биринчи навбатида сув сиғими 50 миллион метрга етади.

Бугунги кунда бунёдкорлик ишларида вилоятдаги ёрдамчи ташкилотларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда саккиз юзга яқин ишчи, уч юздан ортиқ транспорт ва юздан зиёд турли машина ва механизмлар иштирок этмоқда. Ҳамманинг мақсади зиммадаги вазифани тез ва соз бажариб, қурилиш ишларини ўз вақтида ҳамда пухта адо этиб, меҳнати билан мамлакатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига муносиб ҳисса қўшиш.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

МИЛЛАТЛАР ТОТУВЛИГИ — ЮРТ ТИНЧЛИГИ

Ҳар бир миллатнинг ўз тили, маданияти ва ташқи қиёфасидан ташқари миллий руҳи, ўзига хос хулқ-атвори мавжуд. Шу боис кўпмиллатли давлат ўз ривожланиш йўлини белгилар экан, айни шу жиҳатга етарлича аҳамият қаратиши зарур бўлади. Зеро, бир давлат ҳудудида истиқомат қилувчи турли миллат ва элат вакиллари ягона оила мисол якдил, уларнинг мақсад ва интилишлари муштарак бўлса, шу мамлакат истиқболи янада нурли бўлади.

Айни вақтда Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладилар. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимиз ҳукумати томонидан мамлакатимиз ҳудудида яшовчи барча миллатлар ўртасидаги дўстликни сақлаш ҳамда ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ана шундай ишлардан бири Байналмилал маданият марказининг ташкил этилганлигидир.

Ушбу ташкилот ташкил топган кунидан бошлаб миллатлар ўртасидаги тотувликни

1992 йилдан фаолият юрита бошлаган ва айни кунда нуфузли жамоат ташкилотига айланиб улгурган Байналмилал маданият маркази ўзининг 15 ёшини нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу қувончли сана муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар борасида кенг жамоатчиликка маълумот бериш мақсадида ташкилот биносида Оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди.

Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев йиғилганларни марказ томонидан амалга оширилаётган ишлар билан таништириб ўтди. У ўз сўзида Байналмилал маданият маркази турли миллат вакилларининг севимли масканига айлангани, бу ерда доимий равишда турли халқ байрамлари, семинар ва конференциялар, давра суҳбатлари, учрашувлар, машҳур инсонлар хотирасига бағишланган кечалар ўтказиб келинаётгани, шунингдек, ташкилот юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, ёшларнинг байналмилал руҳда тарбиялаш ишига ҳисса қўшаётганини таъкидлади. Сўнг Марказ ташкил этилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар борасида ҳам тўхталиб ўтди.

Мактуба МЎМИНОВА,
«Ишонч» мухбири

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалда

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 1964 йил 12 майдаги буйруғига асосан Термиз Қурилиш техникуми Политехника техникумига айлантирилди. 2001 йилдан бошлаб эса ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи мақомини олди. Ҳозирга қадар ўқув юртини тугатган 8100 дан ортиқ мутахассис халқ хўжалигининг турли соҳаларида баракали меҳнат қилмоқда.

ИЗЧИЛЛИК

Янги педагогик технологиялар кўп жиҳатдан ўқитувчи ва ўқувчи учун яратилган шарт-шароитга, моддий-техника базасининг мустаҳкамлигига ҳам боғлиқ. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури иккинчи сифат босқичини амалга ошира бориб коллежда телерадио марказ ташкил этилди. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида фан, спорт, бадиий ижодкорлик тўгаракларини ишлари янада фаоллаштирилди. Бугунги кунда мавжуд 18 та фан тўгаракларига 223 нафар ўқувчи жалб қилинган бўлиб, улар шаҳар, вилоят фан олимпиадаларида юқори ўринларни эгалламоқдалар.

Жумладан, 11 нафар ўқувчи шаҳар босқичида, 4 нафар ўқувчи вилоят босқичида муваффақиятли иштирок этди. Талабаларнинг ҳаётдаги ютуғида «Шуҳрат» медали соҳиби Суюн Усанов, «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими аълочиси» нишондорлари Ш.Ибрагимов, Г.Мирзаева, С.Аллаёрова ва ажойиб педагоглар Ш.Хўжаёров, Х.Эшқурбонов, К.Сатторов, Б.Усмонов, У.Раҳимова, С.Жумаева, Д.Турсуноваларнинг хизмати катта бўлаётир.

Ўтган ўқув йили якунига кўра 323 нафар битирувчи вилоят солиқ, молия, қишлоқ хўжалиги бошқармаларига, Термиз шаҳридаги корхона ва ташкилотларга, вилоят Адлия бошқармасига ва унинг туманлардаги бўлимларига, вилоят ИИБга, хусусий фирмаларга, фермер хўжаликларига ишга жойлашдилар.

Бу ерда ҳар бир иш бошланғич касаба уюшма қўмитасининг раиси С.Усанов билан бамаслаҳат амалга оширилмоқда. Жамоамиз ўқитувчилари, ишчи-ходимлари ҳамда ўқувчи-ёшлари ўқув йили мобайнида ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда. Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан 58 нафар ўқитувчи ва 26 нафар ишчи-ходим моддий рағбат олдилар. Шунингдек, 7 нафар чин етим талабаларга «Ипотека» банкида ҳисоб рақами очилиб, ойига 36 минг сўм ва 12 минг сўм пул стипендия учун ойма-ой ўтказилиб турилибди. 6 нафар ногирон ўқувчиларга ҳам ҳар чоракда энг кам иш ҳақи миқдорида ёрдам бериляпти.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан ўтказилган Миллий кураш бўйича мусобақада хотин-қизлар ўртасида вилоят ва шаҳар босқичларида имтиёзли ўринларни қўлга киритган 4 нафар қиз ҳамда мураббий ўқитувчи О.Мирзаев 40 минг сўм миқдорида моддий рағбатлантирилди.

Вилоят ҳокимлиги, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг 2006 йил 20 январдаги 8-сон буйруғига асосан Халқаро истеъмолчилар кунига бағишланган «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2006» вилоят кўрик-танловида ғолиб чиқиб, республика миқёсидаги якуний босқичда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 4 нафар талаба ва уларнинг мураббий-ўқитувчилари мукофотланди.

Жамоа аҳли ва уларнинг ўғил-қизлари саломатлиги масаласи ҳамиша кун тартибида турибди. Бу йил 8 нафар ўқитувчи ходимларнинг фарзандлари учун «Чашма» болалар оромгоҳига йўлланма тақдим этилди. Бир ўқитувчимиз «Хонджизза» дам олиш масканида дам олиб қайтган бўлса, 2 нафар ходим «Сурхон» даволаниш санаторийсига, 2 нафар педагог «Ботаника» дам олиш санаторийларига йўлланма олди.

Исроил БОТИРОВ,
Термиз ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи раҳбари

Яккабоғлик Муқима Элмуродованинг муаллимлик касбини танлашига сабаб бор. Ёшлигида кўп қийинчиликларни кўрди. Ўқувчилик даври ҳам унчалик қувонарли кечгани йўқ: хўжаликнинг яганаси ҳам, пахта терими-ю, ҳатто чеканкаси ҳам уларсиз ўтмасди. Қисқаси мактаб даври шу тахлитда ортда қолди. Устози Олима опа ўшанда бир гапни қайта-қайта такрорлаб: «ҳали шундай кунлар келади, дориломон давр бўлади» дерди...

ҲАЁТ МАЗМУНИГА АЙЛАНГАН ИШХОНА

Истиқлол эпкинлари туфайли ҳукуматимиз таълим соҳасини ривожлантиришга ва унда банд бўлганларни ижтимоий муҳофазалашга катта эътибор бериб келмоқда. Муқима опа ҳам ана шу шукуҳли кунлар қадрига етиб, ёшларнинг таълим-тарбиясида ўзига хос тажриба тўплаган.

Унинг дарс ўтиш услуби ҳам ноанъанавий. Дарсликлар билан кифояланиб қолмасдан, кўргазмали қуроллар, матбуотда чоп этилган мақолалар ва суҳбат-мунозаралар ҳамда мустақиллик шукуҳи ила йўғрилган қўлланмаларга кўпроқ таянади. Ана шу йўналишда сабоқларни ташкиллаштириш ўз самарасини бераяпти. Ўтган даврда у меҳнат қилаётган А.Холмуродов номли мактаб ўқувчиларидан бир неча нафари турли фанлар бўйича вилоят ва республика олимпиадаларида иштирок этишиб, совринли ўринларни қўлга киритишган.

Ушбу илмгоҳ туманда ҳар жиҳатдан ўрнак оларли даражада шаклланган бежиз эмас. Аввало барча иш қонунлар асосида юритилади. Илғор, ташаббускор ва тажрибали муаллимлар жамоа шартномаси бўйича касаба уюшмаси ҳамда мактаб маъмурияти томонидан қўшимча рағбатлантириб борилади. Шунингдек, соҳадагиларга етарлича шароитлар яратилган: беш нафар ўқитувчи қатори М.Элмуродованинг иш услуби ҳам туман миқёсида оммалаштирилган. Меҳнат таътилларида уларни соғломлаштиришга ҳамда хотин-қизларга иш соати сақланган имтиёзлар яратиб берилган.

Ёшларни замонавий руҳда тарбиялаш, уларни ҳар томонлама камол топтириш жамоанинг асосий мақсадларидан бири. Шу сабабли бу ерда ота-оналар ва жамоатчилик билан тез-тез учрашувлар ўтказиб турилиши одатга айланган.

Мактаб корхона ва ташкилотлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликни йўлга қўйгани яхши самара бераяпти. Аввало уларнинг саъй-ҳаракати ва ҳомийлиги туфайли ўқув хоналари замонавийлаштирилди. Ўнлаб мутахассисларнинг қўшимча дарсларга жалб этилгани ўқувчиларни касб-корга йўналтиришда ва ҳунар танлашида асосий омил бўлаяпти.

— Ўқитувчининг эркин ишлаши учун имкониятлар етарли, — дейди бошланғич синф муаллимаси М.Элмуродова. — Айниқса мактабларнинг миллийлаштирилгани фанларни чуқур ўрганишга ва ўқувчи билимини такомиллаштиришга йўл очди. Шууримиздан Фитрат, А.Қодирий, Чўлпон каби ижодкорлар кенг ўрин олаяпти. Ваҳоланки, ўзимиз ўқувчи бўлганимизда улар ижоди ва фаолиятини яхши билмасдик. Бу ҳам мустақиллик шарофати туфайлидир.

Меҳнатнинг таги роҳат, дейдилар. М.Элмуродова шу соҳани танлаб кам бўлмади. Ўнлаб шогирдлари ишлаб чиқаришнинг турли бўғинларида фаолият кўрсатаяпти. Бир неча бор туманда «Йил ўқитувчиси», «Энг яхши муаллим» танловларида ғолибликни қўлга киритган. Муҳими, эндиликда ўзи ҳам кўплаб соҳадошларининг устози. Мактаб эса ҳаётининг мазмунига айланган.

Хайрулла ТЎРАЕВ

Мехнат фаолиятининг ўттиз йилдан кўпроғини мактабга бахшида этган Рўзвонбой Маматқаримов яна шу даргоҳга қайтишни хаёлига ҳам келтирмаганди. Уч-тўрт йил турли соҳанинг этагини тутиб кўрди. Бироқ бириси ёкса, бошқасидаги ўзига хос муаммолар кўнглига ўтирмади.

ҲАР СОҲАНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

— Нима қилиш керак, — ўйларди у. — Ҳадемай фарзандлари улғаяпти. Улар кўз ўнгида гоҳ у, гоҳ бу ташкилотда сакраб юраверса, отадан андоза олган боланинг келажаги не кечаркин? Бир томони топиш-тутишдан ҳам барака кетаяпти. Рўзғорга етказса, бошқасида камчиликлар юзага чиқаяпти. Муаллимлик меҳнати оғир, бироқ нони тотли бўлади, деганди-я, бўшаб кетаётганида, сафдоши Хуррамқул. Нега бу нақлнинг мағзини чақмади-я!

Кўча дарвозасининг устма-уст тақиллаши хаёлларини тўзғитиб юборди.

— Ҳозир, — дея меҳмонга пешвоз чиқди у. Остонада Пахтаобод тумани халқ таълими бўлими мудири Иқболжон Маматқулов ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси раиси Нурилла Фахритдинов турарди.

Дастурхон атрофида суҳбат анча узоққа чўзилди. Мудир гап орасида мактаблардаги аҳвол ҳамда Президентнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори хусусида фикр билдираркан. давралар ва йиғинларда ҳамкасблар Рўзвонбойни тез-тез эслаб туришига ҳам шаъма қилиб ўтди...

Қисқаси, у яна мактабга қайтиб, ёш авлод таълим-тарбиясини шакллантиришга камарбаста бўлишга азму қарор қилди. Биз бу мисолни бежиз ёдга олмадик. Бозор иқтисоди талаби ва унинг айрим инжиқликларига чидамасдан ҳар соҳага ўзини ураётганлар кам эмас. Чиллаки чиллакини кўриб ранг олибди, деганларидек ўқитувчилар орасидан ҳам шу йўлни тутганлари бор эди.

Нима бўлганда ҳам туманда ўтган даврда 10 нафардан зиёд муаллим ўз касбига қайтгани бежиз эмас. Салаби, ҳукумат қарорлари ва мактаб таълимини ривожлантириш тўғрисидаги дастурлар асосида бу ерда анчагина тажрибалар тўпланди. Жумладан, соҳадагиларни рағбатлантириш ва уларни моддий қўллаб-қувватлашга ҳамда иш тажрибаларини оммалаштиришга жиддий эътибор бериб келинаяпти.

Умумтаълим мактабларида меҳнат қилаётган ва ҳар бир дарс соатини замон талабларига мослаштириб олган 1100 нафардан зиёд киши оймаой рағбатлантирилаяпти. Маъмурият ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида қабул қилинган келишувлар бўйича ҳам мураббийларни соғломлаштириш, уларга етарлича меҳнат шароитлари яратиш ва дарс соатлари тақсимотларида номутаносибликлар бўлмаслигига эришилди. Шунингдек, педагог ходимларнинг касб маҳоратини ошириш, уларни замонавий педагогик технология асослари билан таништириб бориш ҳамда малакаларини шакллантириш мақсадида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳам диққатга сазовор.

Масалан, шу йўналишда 600 нафар мутахассиснинг қайта ихтисослаштирилгани таълим тизимини ривожлантириш қаторида ўқувчиларнинг замонавий фанларни пухта ўзлаштиришларига асосий омил бўлмоқда. Бунинг самараси туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадаларида, ўзаро мусобақа ҳамда беллашувларда яққол кўзга ташланаяпти.

«Биоэкосан» танловида 11-мактаб ўқувчилари республикада биринчиликни қўлга киритган бўлса, 31-ўрта мактаб ёшлари ҳам тенгдошлари орасида кўпгина вилоятдагилардан устун эканлигини амалда исботлашди.

Илм даргоҳларини педагогик технологиялар асосида жаҳон андозаларига кўтариш, ўқувчиларни ҳар томонлама комил инсонлар қилиш тарбиялаш мақсадида ўтказилаётган «Йил мактаби» танловининг ўзига хос рамзи бор. Чунки ана шу жойларда таълим олиб, тарбия топаётган ёшлар мустақил юртимиз келажаги. Давлатимиз ривожи ва салоҳияти улар қўлида.

«Мактабга эътибор — келажакка эътибор» шиори тумандаги бошқа соҳадагиларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти. Мисол учун. Ўтган даврда 28 та ишлаб чиқариш корхоналарининг саъй-ҳаракати билан 14 та болалар боғчаси ва 7 та мактаб замонавийлаштирилди. Фермер, тадбиркор ва якка тартибдаги субъектлар эса илмгоҳлар учун ўз жамғармаларидан 29 миллион сўм маблағ ажратишди.

Ўқитувчи қадриятини тиклашда ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган шароитлар қаторида жаноат ташкилотларининг ҳам аҳамияти беқиёс. Айниқса, Соҳибахон Сафарова раҳбарлигидаги «Нуроний устоз» уюшмаси марказий шифохонада бепул соғломлаштириш ва даволаш учун алоҳида хоналар ташкил этганлиги диққатга сазовор. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида 115 нафар фахрий ана шу имтиёздан бахраманд бўлди.

Шунингдек, ўқувчиларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун жойларда ана шундай ташкилотлар томонидан ижодиёт марказлари қуриб берилган. Айни пайтда юзлаб ёшлар кулолчилик, мебелсозлик, дурадгорлик ва чилангарлик ҳамда зардўзлик каби миллий ҳунармандчилик сирларини пухта ўзлаштираяпти.

Таълим ва фан ходимлари туман вакили Н. Фахритдиновнинг қайд этишича, Республика касаба уюшмалари Федерацияси IV қурултойи қарорлари фаолиятни янада жонлантиришга туртки бўлди. Жумладан, ўз-ўзини таҳлил этиш жараёни соҳадагилар меҳнатини муҳофазалаш, уларни соғломлаштириш ҳамда кам таъминланганларни муҳофазага олишда қилиниши лозим бўлган долзарб ишлар жуда кўп эканлигини ҳам кўрсатмоқда.

Хусусан, спорт мусобақаларига оталиқ ташкилотлари ва ҳомийларни жалб этиш, ўқувчи қизларни жисмоний тарбия ҳамда спорт секцияларига йўналтириш, таълим муассасаларига чет эл инвестицияларини олиб кириш каби муҳим масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Мамлакат тараққиётига ҳисса қўшиш ва уни янада ривожлантириш умумхалқ ишидир. Шундай экан, ҳеч бир фуқаро бу жараёндан четда қолиши ёки бефарқ бўлиши мумкин эмас. Шубҳасиз, таълим-тарбия ишида ўқитувчининг роли жуда катта. Чунки, ўқитувчи билим берибгина қолмасдан, келажагимиз ворисларини ҳам тарбиялайди.

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Айни пайтда ўқитувчи учун ўқувчиларга мамлакатдаги ислоҳотларни, қишлоқ хўжалигидаги ва бошқа жабҳалардаги ўзгаришларнинг аҳамиятини тушунтириш ўта муҳим бўлиб, уни ҳатто математика ўқитувчиси амалга ошириши мумкин. Зеро, ёшлар илмий-техникавий тараққиёт шароитида ҳаётга йўлланма олмоқдалар. Янги техника ва технологияни эгаллашга ривожлантириш келажакда уларнинг зиммасида. Шундай экан, ватанга муҳаббат туйғуси, меҳнатга бўлган муносабат мактаб партасидаёқ шаклланмоғи лозим.

Ўқувчилар мактаб даврида ёқ самарали меҳнат қилишга ўрганмоқлари, катта ҳаётга тайёргарлик босқичларини ўтамоқлари керак. Ушбу жуда салмоқли ва мураккаб вазифани ҳал этишда ҳар қайси фаннинг ўз аҳамияти ҳамда ҳар бир фан ўқитувчисининг алоҳида масъулиятли ўрни мавжуд, шу жумладан, математиканинг ҳам.

Масаланинг иккинчи муҳим томони ҳам бор. Бу ҳам бўлса, ҳар бир даврда муайян давлатда шу мамлакат фуқаросининг ўз ватанига муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ватанпарварлик ҳис-туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, ўз ватанининг ютуқлари билан фахрланиб яшаш туйғуларини камол топтириш долзарб вазифа бўлиб келган. Ушбу вазифани адо этишда педагог алоҳида рол ўйнайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фермер хўжаликлари равнақ топди. 2006 йилдаги пахта ҳосилининг 88 фоизидан ортиғи ва доннинг 85 фоизидан кўпроғи фермерлар улуши эканлигиёқ ҳозирданоқ соҳа билимдонларини тайёрлаб бориш вазифасини қўймоқда. Шу боис фермер хўжаликларининг афзалликларини мактаб партасидаёқ ўқувчиларнинг онгига сингдириш мақсадга мувофиқдир.

Афсуски, мактаб ўқувчиларининг дарсликларида айнан шу соҳага жуда кам эътибор берилган. Фермер хўжаликларидан олинаётган даромад, ҳосилдорлик ва хўжаликнинг банк билан муносабатлари тўғрисидаги маълумотлар жуда кам.

Ваҳоланки, айниқса, қишлоқ мактаблари ўқувчилари фермер хўжаликларининг фаолияти билан яқиндан танишишлари, ишни ташкил қилишда билим ва кўникмаларига эга бўлиб боришлари лозим.

Айтайлик, фермер хўжалиги кунига 5 гектар ерни ҳайдашни мўлжаллаб қўйган эди. Ҳайдаш эса ҳар куни 10 фоиз ошириб бажарилди, шунинг учун ер ҳайдаш муддатидан бир кун олдин тугалланди. Ер неча кунда ҳайдалганини ва у неча гектар бўлганини аниқлаш лозим бўлади.

Шунингдек, фермер хўжалиги уруғ сепишни 6 кунда тамомлаши режалаштирилган эди. Бироқ ҳар куни мўлжалдагидан 2 гектар ортиқ ерга уруғ сепилиб, экиш 4 кунда тугалланди. Демак, бу ўринда ўқувчи ҳар куни неча гектар ерга уруғ сепиш мўлжалланган-ю экин майдони неча гектарни ташкил қилишини аниқлаши керак.

Дейлик, фермер бир пайкалдан 360 центнер жўхори дони йиғиштириб олди. Келгуси йили у шу пайкалдан 2 гектар кам бўлган пайкалдан худди ўшанча ҳосил кўтарди. Ҳосилдорлик гектар бошига 3 центнердан ошди. Жўхорининг ҳар бир гектаридан биринчи ва иккинчи йили олинган ҳосилни ҳисоблаш лозим.

Бир фермер ўз майдонидан 3500 цантнердан буғдой ҳосили олди. Иккинчи фермер эса биринчиникидан 8 гектар кам бўлган майдондан 3680 центнердан буғдой ҳосили олди. Иккинчи фермер ҳар бир гектардан биринчи фермерга қараганда 5 центнер ортиқ ҳосил олгани маълум бўлса, ҳар бир фермер 1 гектар майдондан қанчадан ҳосил олган бўлади?

Шубҳасиз, фермер хўжаликлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш ва уларнинг афзалликларини исботлаш учун масалаларни узоқдан ахтармасдан, бевосита ўқувчилар иштирокида тузиш (фермерлик фаолияти, саноатни ривожлантириш, кичик корхоналар, хусусий корхоналар иш фаолияти бўйича) машғулотлар сифатини янада оширади. Энг муҳими, фарзандларимиз мамлакатимиздаги бунёдкорлик жараёнида бевосита ўзлари иштирок қиладилар. Дарс машғулотларига бундай ижодий ёндашув ўқувчиларда меҳнатга бўлган муҳаббатни, топилган даромадни тежамкорлик билан сарфлашни, ишлаб чиқаришга бўлган ижобий хислатларни шакллантиради.

Умид ИСМОИЛОВ,
Халқ таълими аълочиси

БАРЧА ИМКОНИЯТЛАР ЁШЛАР УЧУН

Нукус техника касб-ҳунар коллежида айни пайтда 16 мутахассислик бўйича 1231 талаба таҳсил олмоқда. 25 та умумий билим бериш, 15 та махсус фан хоналари, физика, химия, биология, электротехника лабораториялари замон талаблари даражасида жиҳозланган.

— Бугун барча соҳаларда рақобат кучли, — дейди коллеж директори Есенгелди Қўшжонов. — Биз талабаларни синов йўли билан ўқишга қабул қилганимиз янглиғ, улар ҳам ҳужжат топширишдан олдин обдон ўрганишади; коллежда тайёрланаётган мутахассисликлар жамиятда қандай аҳамиятга эга, бу ерда шарт-шароитлар қандай, ўқитувчилари яхшими... Шу каби қатор саволларнинг жавоблари қаноатлантирсагина, ўқишга азму қарор қилишади. Биз коллежимиз замон билан ҳамнафас одимлаши учун доимий изланишдамиз.

Ўқитувчилар олдига қўйиладиган талаблар ҳам бутунлай янгиланди. Аввало, уларнинг малакаларини оширишга, қайта тайёрлашга, ўз устида ишлашлари учун шароит яратиб беришга эътибор қаратмоқдамиз. Ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик кўриш, уларни янги педагогик технологиялар асосида ўтиш талаб қилинади.

Таълим сифатини оширишда замонавий қўлланмаларнинг аҳамияти катта. Бунинг учун давлат томонидан катта маблағ ажратилмоқда. Шу билан бирга, чет эл инвестициялари ҳам жалб қилинмоқда. Дейлик, Корея ҳукумати кредити бўйича 77 миллион 910 минг сўмлик, Япония ҳукумати кредити асосида 898 миллион 941 минг сўмлик, ОТБ лойиҳасига мувофиқ 16 миллион 478 минг сўмлик, Польша ҳукумати лойиҳаси доирасида 58 миллион 466 минг сўмликдан зиёд ўқув қуроллари, жиҳозлар олинди. Айни пайтда улардан ўқитувчи ва талабалар унумли фойдаланмоқдалар.

Кутубхона — коллеж ўқув моддий-техника базасининг ажралмас қисми бўлиб, ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши, билимларини ошириши, янгиликлар билан танишиши учун энг зарур маскан ҳисобланади. Китоб фонди мунтазам бойитиб борилмоқда.

Коллежда саккизта амалиёт устахонаси бўлиб, узлуксиз равишда шарт-шароитларни яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Устахоналар «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар асосида фаолиятларини такомиллаштирмоқда. Шу мақсадда улар негизида «Роҳат» кичик корхонаси ташкил қилинди. Тикувчилик, макарон, нон ва кондитер ишлаб чиқариш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, цехлари, металларни қайта ишлаш устахонаси мавжуд. Кичик корхонада икки миллион сўмликдан зиёд хизмат кўрсатилди. Ишлаб топилган маблағлар ўқитувчи ва талабаларни рағбатлантиришга сарфланмоқда.

— Талабаларимиз орасида 17 нафар чин етим, 5 нафар ногирон, 35 нафар кам таъминланган оила фарзандлари бор, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Қизларгул Аймуратова. — Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида муайян чоралар кўрилмоқда. Уларга овқат пулларига қўшимча ҳар байрамда 20 минг сўм миқдорида моддий кўмак берилади. Шунингдек, касаба уюшмалари ва бошқа ҳомий ташкилотлар кўмагида чин етим талабаларга 20 минг сўм миқдорида ойлик стипендиялар ташкил қилинган. Ҳар фаслда бир марта «хайрия куни» ўтказамиз. Бундан тушган маблағлар ҳам талабалар ижтимоий ҳимоясига сарфланмоқда. Уч ўқувчи коллеж директори томонидан таъсис этилган 10 минг сўм миқдоридаги ойлик стипендия соҳиби. Уч ўқувчи мунтазам равишда кийимкечак билан таъминлаб келинмоқда.

Коллежда тарбиявий ишларга жиддий аҳамият берилаётгани эътиборга молик. Ёшларда миллий онг, миллий ғурур, она-Ватанга нисбатан ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларни тарихий анъаналаримиз, қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялаш йўлида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақтини самарали ўтказиш, синфдан ташқари машғулотларга жалб қилиш, шубҳасиз, тартибузарликнинг олдини олишга, уларнинг ҳар хил номақбул гуруҳларга қўшилиб кетмасликларига хизмат қилади. Коллежда ўнлаб умумтаълим ва касбий таълим фанлари, бадиий ҳаваскорлик ва «ёш китобхон» тўгараклари, кўплаб спорт секциялари фаолият кўрсатмоқда. Уларга ўқувчиларнинг 90 фоиздан ортиғи жалб қилинган.

Коллежда ҳар ойнинг охирги жумаси — Маънавият куни. Шу куни кўплаб адабий-бадиий кечалар, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилинади. Спорт мусобақалари ҳам мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

М. ТЎРАБОЕВА,
«Ишонч» мухбири

ХАЛҚАРО ДАСТУРЛАР ДОИРАСИДА

Ҳамкорлик уфқлари

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида чуқур иқтисодий ва сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар рўй берди. Юртбошимиз томонидан белгиланган ижтимоий йўналтирилган ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини оғишмай изчил барпо этарканмиз, бозор иқтисодиёти даврида демократик қадриятларни юртдошларимиз онгига сингдириб бориш, мустақил мамлакат фуқароларига муносиб хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, ишига яраша ҳақ тўлаш, хотин-қизлар меҳнатини қадрлаш, даромадларни адолатли тақсимлаш борасидаги масалаларни тўғри ҳал қилиш имкони юзага келди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари ижтимоий мулоқот тамойиллари асосида давлат бошқарув идораларига ушбу муаммоларни ҳал этишда фаол ёрдам бермоқда. Ўзбекистон касаба уюшмаларининг узоқ муддатга мўлжалланган Ҳаракат Дастурига мувофиқ кўплаб халқаро меҳнат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилмоқда. Шулардан бири Халқаро меҳнат ташкилотидир.

Халқаро меҳнат ташкилоти нима? Унинг мақсад ва вазифалари нимадан иборат?

Ушбу ташкилотга Ўзбекистон 1992 йилдан аъзо. Халқаро Меҳнат ташкилоти 19-асрда Европа ва Шимолий Америкада ижтимоий ҳаракат сифатида бошланган. Саноат инқилоби даврида кишилар ахлоқий ва иқтисодий қийинчиликларга дуч келгач, халқаро меҳнат қонунчилигини қабул қилиш ғояси туғилган ва бу буюк саноатчилар Роберт Оуэн ва Даниел Легран томонидан қўллаб-қувватланди. 1919 йилда инсонпарварлик, сиёсий ва иқтисодий мақсадларда Халқаро меҳнат ташкилоти вужудга келди. ХМТ Уставининг муқаддимасида «Фақат ижтимоий адолат асосида бутун жаҳонда мустаҳкам тинчликни ўрнатиш мумкин» дейилган. Бу тамойиллар 1944 йилда Филаделфия декларациясида ўз ривожини топди ва ХМТнинг ғоявий пойдевори бўлиб қолди.

ХМТ Устави Версал шартномасига мувофиқ халқаро меҳнат қонунчилиги Комиссияси томонидан тайёрланган. Комиссия 9 та мамлакат, яъни Белгия, Куба, Чехословакия, Франция, Италия, Япония, Польша, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлари вакилларидан иборат бўлиб, унга Америка меҳнат федерацияси раиси Сэмюэл Гомперс раислик қилган. Натижада ижро органларида ҳукумат, иш берувчи ва меҳнаткашлар вакилларини бирлаштирган ўзига хос ягона уч тарафлама ташкилот вужудга келди. Ташкил топганлигининг биринчи кунидаёқ ХМТ бошқа халқаро ташкилот — БМТдан илгари фаолият кўрсатган Миллатлар Лигасидан фарқли равишда ўзига хос фаолият олиб бора бошлади. ХМТ ўзининг биринчи директори Альберт Том раҳбарлигида мустаҳкамланди ва муваффақиятли фаолият кўрсата бошлади. Ташкилот котибияти меҳнат вазирликлари билан икки томонлама мулоқотни кучайтирди. Халқаро меҳнат конференцияси ҳам ғайрат билан ишлай бошлади. Қирқ йил давомида ХМТ халқаро меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш устидан назоратни кучайтиришга аҳамият берди. 1919-1939 йиллар мобайнида 67 та конвенция қабул қилинди ва 66 та тавсия берилди.

1926 йилда Халқаро меҳнат конференцияси ҳозирги кунгача амал қилаётган назорат механизмини белгилади. Мустақил юрист-экспертлар Комитети ҳукуматларнинг ўзлари қўшилган конвенциялар ижросини таъминлашга доир маърузаларини ўрганиб борадилар. Шунингдек, ҳар йили комитет ХМТ Конференциясига ўз маърузасини тақдим этади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ХМТ учун янги давр бошланди, аъзо мамлакатлар сони оша бошлади. Таъйёргарлиги, бошқаришни ривожлантириш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат келишувлари, меҳнаткашларнинг айрим тоифалари — ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва ҳоказолар муаммоларига доир экспертлар комитетлари ёрдам кўрсатадилар.

Ўзбекистон Республикаси билан Халқаро меҳнат ташкилоти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик дастури Марказий Осиё ва Шарқий Европа учун ХМТнинг ёрдамчи минтақавий бюросида дастлаб ўтказилган маслаҳатлар асосида ишлаб чиқилган. Бюронинг ҳозирги директори Вернер Конград Бленкдир. Ҳамкорликдан асосий мақсад кўплаб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган қўшма тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Жумладан, аҳолининг кам даромадли қисмини қўллаб-қувватлаш учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш тизимини ва ахборот базасини такомиллаштириш, меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, меҳнат доирасида ОИТС касаллиги тарқалишининг олдини олишга кўмаклашади. Трипатизмнинг ҳуқуқий-меъёрий асосини такомилга етказиш, иш ҳақини ўз вақтида ва ижтимоий адолатли тарзда тўлашни жорий этиш, ишсизларга ёрдам кўрсатиш ва ХМТнинг «Тадбиркорликни бошла ва ривожлантир» дастури доирасида ўзининг хусусий ишини ривожлантиришга ёрдам кўрсатади.

Зарур ҳолларда ХМТ ва Ўзбекистон давлат органлари бошқа халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТнинг махсус муассасалари — Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки, Халқаро валюта фонди, Осиё тараққиёт банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки, Европа Иттифоқи ва Европа Кенгаши билан ҳамкорлик қилади. Улар ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича ахборот алмашадилар.

М.ВЕЛИЕВА,
Д.МАДИЕВ,
«Ишонч» мухбирлари



Юртимизда қонунчиликнинг амалда қўлланилишида нотариуслар хизматининг ҳам улуши бор. Ҳар куни нотариал идораларга ўнлаб одамлар келиб, ўз юмушларини битириб кетадилар. Ана шундай идоралардан бири Бўка тумани марказида жойлашган. Бу ерда кўп йиллардан буён Давлат нотариуси бўлиб ишлаб келаётган Муҳаббат Маматова (чапдан) ҳамда компьютер хизматини бажарувчи Фотима Жўраевалар ҳам кўпчиликка хизмат қилиб келмоқдалар. Улар мурожаат билан келган турли касбдаги, турли ёшдаги кишиларнинг юмушларини тезда ҳал қилиб, кўплаб тушунтириш ишларини ҳам олиб борадилар.

Темур ҲАЙДАРОВ олган сурат

ГЕРМАНИЯГА ИЛМИЙ САФАР

Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари ўтган йилни ёруғ юз билан якунладилар. Уларнинг илмий изланишлари ҳам самарали бўлди.

Академиянинг травматалогия, ортопедия, нейрохирургия ва ҳарбий дала жарроҳлиги кафедрасида амалга оширилган тадқиқотларнинг аксарияти тиббий муолажаларга татбиқ қилинди.

Тиббиёт фанлари номзоди Илҳом Хўжаназаров ҳам ўз илмий ишлари билан танилди. Республика «Истеъдод» жамғармаси томонидан ўтказилган кўрик-танловнинг ғолиби сифатида изланувчан олим Германияга илмий сафарга йўлланма олди. У нейрохирургияга оид янги лойиҳаси бўйича Германия тиббиёт академиясида маъруза қилади.

Акбар АЛИЕВ

Ижтимоий ҳимоя

ШУКРОНАЛИК ҲАМ БАХТ ҲИСОБЛАНАДИ

Бу даргоҳга айнан ёрдамга муҳтож кишилар кириб келишади. Уларнинг ҳар бири кўнглига йўл топиш, муаммоларини ҳал этиш Роҳат опа Набиеванинг кундалик юмуши.

Учтепа туман ижтимоий таъминот бўлимида кейинги йилларда қилинаётган ишлар таҳсинга сазовор. Чунки нафақахўрларни соғлом, мазмунли ҳаёт кечиришига ёрдам бериш жамоанинг бош мақсади ҳисобланади. Ҳозирги кунда бу ерда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хайрия жамғармалари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўрсатилаётган кўмакнинг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда бўлим бир қанча хизмат кўрсатиш турларини амалга оширди. Жумладан, пенсия тайинлаш, қайта ҳисоблаш, тўхтатилган пенсияни тиклаш, бир турдаги нафақадан бошқасига ўтказиш каби 2435 та ариза кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 сентябрда қабул қилган қарорига асосан рўйхатга олинган ўнлаб пенсионерлар тиш протези, кўзойнак ва ҳасса билан таъминланди. 55 нафар ёлғиз пенсионерларга ҳомийлар томонидан 822 минг 250 сўмлик дори-дармонлар берилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга республикамизнинг Косонсой, Товоқсой, Олтиарик, Нуроний каби дам олиш масканларига жами 475 та йўлланмалар берилди.

Бўлим касаба уюшмаси томонидан ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари муҳофаза қилиниб, бир қатор ишлар бажарилди. 2006 йилнинг 1 ноябргача Тошкент шаҳар ҳокимияти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси кўмагида ходимларнинг бир қисмига моддий ёрдам кўрсатилди, фарзандларига ёзги таътил даврида дам олиш сиҳатгоҳларига йўлланма берилди. «Туркистон» концерт залига, турли хил театр намойишларида жамоа ходимлари чипталар билан таъминландилар.

Йил давомида ҳар бир ходим белгиланган вақтда меҳнат таътилига юборилади. Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Ойлик маош миқдорида ҳар бир ходимга моддий ёрдам бериб борилади.

Ўтган йилнинг 1 июн куни болаларни ҳимоя қилиш тадбири уюштирилиб, туманда истиқомат қилувчи 550 нафар болаликдан ногирон ва кам таъминланганлар таклиф этилди. Уни ўтказиш учун хотин-қизлар қўмитаси ҳисоб рақамига 600 минг сўм ажратилди. 200 нафар бола цирк томошалари, 120 нафари А.Икромов боғи аттракционларидан бепул фойдаланди. 60 нафар бола ҳайвонот боғига таклиф этилди.

Мустақилликнинг 15 йиллиги байрами муносабати билан ёлғиз, кекса нафақахўрларга байрам дастурхони ёзилиб, 370 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Ногиронлар куни туман ҳокимлиги ташаббуси билан 50 нафар нафақахўрга байрам дастурхони уюштирилиб, уларга эшитиш мосламаси, ногиронлар аравачаси, қўлтиқтаёқ, ҳасса тарқатилди.

Бўлимнинг жорий йилдаги режалари ҳам бисёр. Шулардан бири «Тошшаҳархизматтранс» уюшмаси ёрдамида ёлғиз кексалар ва ногиронларни навбати билан шаҳар ичида қатнайдиган транспортлардан бепул фойдаланишини ташкиллаштириш.

Марҳамат МИРКОМОЛОВА нафақада, 76 ёшда:

— Ўзим ёлғиз тураман. Туман ижтимоий таъминот бўлими ва ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатдан жуда миннатдорман. Илоҳим, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Марғуба АБДУСАЛОМОВА 88 ёшда.

— Уруш йилларида меҳнат қилдим. Оғир ҳаёт йўлини босиб ўтдим. Лекин ўтган умримдан беҳад миннатдорман. Имкони борича ёрдам кўрсатаётганларга раҳматимни айтаман.

Ҳа, инсон ҳаётини оқар дарёга киёслашади, гўё бир лаҳзада ўтиб кетгандек. Ўтган умрга шукроналик билдириш ҳам бахт ҳисобланади.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ишонч» мухбири

АДАБ ДУРДОНАЛАРИ

Имом БУХОРИЙ

Сўкишмоқ фосиқликдир

Саъид ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мусулмон кишининг сўкишишмоғи фосиқликдир", — дедилар".

Фосиқлик – тўғри йўлни қўйиб, эгри йўлга кириб кетиш, фосиқлик кофир ва мунофиқ маъносида ҳам ишлатилади (т.).

Анас ибн Молик (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) уят гапни гапирмас, бировларга лаънат ўқимас ва уларни сўкмас эдилар. Жаҳллари чиққан вақтда: "Унга нима бўлди? Манглайи тупроққа ёпишкур", деб қўя қолар эдилар".

Манглайнинг тупроққа ёпишмоғи – ерга йиқилмоққа ёки бошини саждага қўймоққа киноядир ёки ўз маъносини ирода қилинмай тил билангина айтилаверадиган иборалардан биридир (т.).

Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Мусулмон кишининг сўкишмоғи фосиқлик ва бировни ўлдирмоғи куфрдир", дедилар".

Исроф

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сизларнинг учта ишингиз учун Аллоҳ таоло рози ва учта ишингиз учун ғазаблик бўлади: биринчиси, ибодатни Аллоҳнинг ўзигагина қилиб, бошқа нарсаларни унга шерик қилмаслигингизга; иккинчиси, Аллоҳ таолонинг дини ва Қуръонига эътиқод қилмоғингизга; учинчиси, Аллоҳ таоло сизга бошлиқ қилиб қўйган кишига хайрихоҳ бўлмоғингизга рози бўлса, бўлар-бўлмас гапни нақл қилиб юрмоғингизга, кўп суриштираверишлик ёки сўрашлик (гадойлик қилиш) ва молни ноўрин ерларга сарф қилиб зое қилмоғингизга ғазабланади", дедилар".

Сўкишадиган икки киши шайтондир

Айёз ибн Ҳаммор (р.а.): "Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) дан: "Ё Расулуллоҳ, бир киши мени сўкса, нима қилай?" деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир-бирини сўкувчи икки кишининг иккаласи ҳам шайтондир. Улар ёмон гапни гапиради ва ёлғон сўзлайди", дедилар".

Исроф қилувчилар ҳақида

Убайд (р.а.) айтдилар: "Мен Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)дан «исрофгар» деган сўзнинг маъносини сўраганимда, Абдуллоҳ: "У молни ноҳақ ерларга сарфлайдиган кишилардир", дедилар".

«Исрофгарчилик пиртинг-чиртинг жойларга ҳам молни (маблағни) сарфлашдир», дедилар Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.).

Кенг уй ҳақида

Нофиъ ибн Абдуллоҳ (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг шундай деб марҳамат қилганларини ривоят қилади: «Кенг уй, яхши қўшни, яхши от (бошқа ривоятда: итоаткор хотин) мусулмон кишининг шодлигидир».

Мулойим бўлиш ҳақида

Абу Дардо (р.а.)ривоят қилдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Кимгаки мулойимликдан насиба берилган бўлса, унга яхшиликдан насиба ато қилинган бўлади ва ким ундан маҳрум қилинган бўлса, яхшиликдан ҳам маҳрум бўлган бўлади. Қиёмат куни мўмин банданинг тарозусини оғир қиладиган нарса яхши ахлоқдир. Аллоҳ таоло ёмон сўз ва ёмон феъллик кишига албатта ғазаб қилади", дедилар".

Ҳз. Ойиша (р.а.) айтдилар: "Набий муҳтарам (с.а.в.): "Яхши сифатлик, салоҳиятлик кишилар қоқилиб кетса, уларни турғазиб қўйинглар", дедилар".

Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинади: "Расули акрам (с.а.в.): "Кимда аҳмоқлик ва нодонлик бўлса, ҳамиша уятга қўяди. Аллоҳ таоло латиф ва мулойимликни севади", дедилар".

Абу Саид Худрий (р.а.) айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.) парда ичида ўтирган қиздан ҳам уятчанроқ эдилар. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бир нарсадан кўнгиллари олинганини ранглари ўзгарганидан билар эдик".

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)дан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Яхши сийрат, чиройли ҳайъат ва ҳар бир ишда иқтисодчилик етмиш хислатдан бир бўлагидир ", дедилар".

Яхши сийрат – халқ билан яхши муомалалик бўлиш, чиройли ҳайъат шаклни, кўринишни яхши қилиб юриш, иқтисод эса, ҳар бир иш ва ҳаракатда, хатто ибодатда ҳам ўртача ҳолда бўлишликни киши ўзига лозим тутишидан иборатдир (т.).

Савоб ишга шошилиш ҳақида

Анас ибн Молик (р.а.)дан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бирортангиз эким учун қўлингизда бир кўчатни ушлаб турган вақтингизда қиёмат қойим бўлиб қолса-ю, қоим бўлишидан илгарироқ уни экиб олишга кўзингиз етса, албатта экиб қўйинг", дедилар".

Зулм кулфатдир

Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ (с.а.в.): «Зулмдан сақланинг, зеро зулм қилган киши қиёмат куни зулмат ичида бўлғусидир. Ёмон сўз ва ишдан сақланинг, зеро Аллоҳ ёмон муомалалик ва ёмон иш қилганларни севмайди. Бахиллик ва ҳирсдан сақланинг, бинобарин, бу нарса сиздан илгари ўтганларни ҳам қариндошлик ришталарини узишга ва ҳаромни ҳалол деб қабул қилишга рағбатлантирган», дедилар».

Мусибатга сабрли бўлиш ҳақида

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади, у киши айтдилар: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир мўмин ёки мўмина узоқ вақт бирор мусибатга йўлиқтириб синалади. У шу мусибат Аллоҳ томонидан бўлганини эътироф қилиб, сабр этса, Аллоҳ таоло ҳузурига гуноҳларидан пок бўлган ҳолда боради", дедилар".

Хаста мўминнинг савоби

Абдуллоҳ ибн Амр (р.а.)дан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бир киши бетоб бўлиб қолса, у соғломлик вақтида қилиб келган амалидек савоб ёзилиб бораверади" , дедилар".

Яъни у киши соғлом вақтида яхши амалларни қилган ва ниятида шу амалини давом эттирмоқчи эди, лекин бетоблиги бу ниятига монеълик қилгани учун афсусланса, соғломликда қилган амалининг савобидек савобга эга бўлаверади (т.).

Беморни зиёрат қилиш фазилати

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади, у киши: "Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.): "Ким бугун эрта билан рўзадор бўлиб турди?" — деб саҳобийларидан сўраганларида, Абу Бакр Сиддиқ: "Мен", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сизлардан қайси бирингиз бугун бир беморни бориб кўрди?" — дедилар. Абу Бакр Сиддиқ: "Мен", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) яна: "Қайси бирингиз бирор кишига жаноза ўқишда ҳозир бўлдингиз?", деб сўраганларида ҳам Абу Бакр Сиддиқ: "Мен", дедилар. Расулуллоҳ (с.а.в.) яна: "Бугун қайси бирингиз бирорта мискинга таом бердингиз?" — деганларида ҳам Абу Бакр Сиддиқ: "Мен", деб жавоб бердилар", деб ҳикоя қиладилар. Бу ҳадис ровийларидан Марвон деган киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: "Мана шу хислатлар кимда жам бўлган бўлса, албатта жаннатга киради", деган гапларини мен ҳам эшитганман, дедилар.

Бошқа бир ривоятга кўра Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг шу ваъдаларини эшитиб: "Ё Расулуллоҳ, шундай киши икки дунёда ҳам ҳасрат ва зоеликни кўрмаган бўлади, албатта", деган эдилар, Расулуллоҳ (с.а.в.): "Сиз ҳам шундай кишилардансиз, деб умид қиламан", дедилар (т.).

Абу Саид Худрий (р.а.)дан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Бемор кишини бориб кўринглар, жанозалар орқасидан қабристонгача ёки масжидгача боринглар. Чунки бу иш сизга охират кунини эслатади", дедилар".

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинади: "Расулуллоҳ (с.а.в.): "Уч нарса бор, уларнинг ҳаммасини бажариш ҳар бир мусулмон кишининг вазифасидир. Бемор кишини бориб кўриш, вафот этган кишининг жанозасига бориш ва акса урган киши: "Алҳамдулиллоҳ" деса, унга "Ярҳамакаллоҳ" ("Сенга Аллоҳ таоло раҳм қилсин"), деб жавоб қайтариш", дедилар".

Беморни зиёрат қилиш савоби

Абу Асмоъ (Амр ибн Муршид Раҳбий) айтдилар: "Ким бир биродарининг бетоблигини сўрагани борса, у жаннатнинг боғида бўлади". Абу Асмоъ бу ҳадисни Савбондан, у киши эса Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ривоят қилганлар. Бу ҳадис бошқа санад билан ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ўзларидан ривоят қилинган.

Фосиқ зиёрат қилинадими?

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (р.а.): "Маст қиладиган ичимликлар ичувчи кишилар бетоб бўлиб қолганда уларни бориб кўрманглар", дедилар.

Эркак уйида нима иш қилади?

Асвад ибн Язддан ривоят қилинади, у киши айтдилар: "Мен ҳз. Ойиша (р.а.)дан: "Расулуллоҳ (с.а.в.) аҳллари уйларида нима иш билан шуғулланар эдилар?" — деб сўрадим. Ҳз. Ойиша (р.а.): "Расулуллоҳ (с.а.в.) ўз аёлларининг ҳамма хизматига қарашардилар ва намоз вақти бўлганда масжидга чиқиб кетардилар", дедилар".

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига

Рўйи замин сайқали, деб эътироф этилган Самарқанд жаҳоннинг энг кўҳна шаҳарларидан биридир. Ёши Рим, Афина, Вавилон сингари шаҳарлар билан тенгдош бу улуғвор маскан ўтмишидан қадимий Афросиёб номи билан машҳур харобалардан топилган асори-атиқалар ва турфа ёдгорликлар хабар беради.

Манбаларда таъкидланишича, Румдан то Сиангача бўлган Буюк ипак йўли ўтган ҳудудларда савдо тили сўғд тили бўлган. Самарқанд ана шу тарзда тобора халқаро савдо марказига, аниқроғи, халқаро бозорга айланиб борди. Самарқанд XIV аср охири ва XV аср бошларига келиб янада сайқаллаша бошлади. У Амир Темур салтанатининг пойтахтига айлангач, шаҳар гуллаб-яшнади, халқнинг ҳам иқтисодий маданий ҳаёти тубдан ўзгарди.

Азим Самарқандни «сайқал» сифатида дунёга танитган яна бир манба — унинг турли давларда қурилган кўплаб тарихий обидаларидир. Ўзида Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасаларини мужассам этган Регистон ансамбли, Шоҳи Зинда ансамбли, Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди ва мадрасаси, Улуғбек расадхонаси, Хўжа Аҳрор ва шунингдек, Хўжа Исмоил ал-Бухорий мажмуалари...

Шарқ цивилизациясининг маркази сифатида тарих зарварақларидан муносиб жой эгаллаган кўҳна маъвага келиб-кетаётган сайёҳларнинг кети узилмайди. Зеро, 2006 йилнинг 11 ойи давомида вилоят ҳудудида жами 64,6 минг нафар сайёҳлар ташриф буюрганлигини қайд этиб ўтишнинг ўзи кўп нарсани англатади. Самарқандни янги йил шодиёналари арафасида кўрган кўзлар янада қувониши табиий. Бу ерга Республика Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда мамлакатимизнинг бошқа мутасадди вазирликларидан тез-тез вакиллар келиб, юбилей санасига қадар уддаланиши лозим бўлган қурилиш-таъмирлаш ва бошқа тайёргарлик ишларидан бохабар бўлиб туришибди.

Юрт ободлигини кўрмоқчи бўлсанг, бозорига бор, деган гап бор. Ана шу нуқтаи назардан олганда, шаҳарнинг марказий «Сиёб» деҳқон бозорида жуда катта ўзгаришлар олиб борилаётгани диққатга сазовордир. Очиқ яланглиқдаги 3 қаватли, ниҳоятда кўркам бино деярли тахт ҳолатда. «Сиёб» деҳқон бозори ОТАЖ директори Мақсуд Алиқулов шундай деди:

— Бу бинонинг қурилиши бошланганига энди 2 ойдан ошиқроқ вақт бўлди. 120 ўринли савдо мажмуасини муддатидан икки ой олдин тадбиркорлар ихтиёрига топширмоқчимиз. Бино қурилишида 650 нафар бинокор ва ишчи-мутахассислар узукун меҳнат қилишмоқда.

Бундан ташқари, сут маҳсулотлари ва номдор Самарқанд нони билан савдо қилувчиларга мўлжалланган павильонлар қайтадан реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Айни дамларда қатор павильонларнинг томи бошқатдан ёпилмоқда. 120 метр чуқурликдан тортиб олина бошланган сув бозор орасталигини таъминлашда жуда қўл келаётир. Шунингдек, бозорга олиб келувчи йўлларга бетон ва мармар плиталар ётқизилаётир.

Ана шу кўтаринкиликни Шоҳи Зинда ансамблидан то Бибихоним мадрасасигача бўлган яхлит майдонда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида ҳам кўриш мумкин. Самарқанд шаҳар ҳокими Суҳроб Рафиқовни ҳам шу ерда учратдик:

— Кўриб турганингиздек, Шоҳи Зинда ансамбли яна ўзининг асл қиёфасига қайтарилди. Унинг жанубий қисмидаги чойхона, меҳмонхона ва савдо павильонлари ўрнида гулзору сайлгоҳлар бунёд этилмоқда. Келгусида бу сайлгоҳлар Регистон майдонига элтувчи равон йўлларга бирлаштирилади.

Регистон атрофида дунё туризми талабларига мос иншоотлар, кўркам ва мафтункор хиёбонлар барпо этила бошланди. Бир сўз билан айтганда, 1-рақамли «Амир Темур» ордени нишондорига айланган Самарқандни келажакда туб ўзгаришлар кутаётир.

Бугун ифтихор билан тилга оладиган имкониятларни ҳам кам деб бўлмайди. Вилоятда туризм фаолиятини олиб бориш учун лицензияга эга бўлган жами 80 та сайёҳлик фирмалари мавжуд. Улар йўриғида бир йўла 3000 дан зиёд меҳмонни қабул қилиш қувватига эга бўлган 40 та меҳмонхона фаолият кўрсатиб келади. Тўрт юлдузли «Президент Отел» ва «Афросиёб-Палас» меҳмонхоналари, уч юлдузли «Ориент Стар», «Константин», «Централ Самарқанд» ва «Самарқанд Плаза» меҳмонхоналари қаторида замонавий ва миллий услубда қурилган кичик меҳмонхоналар ҳам талайгина.

Самарқанд шундай масканки, унга шунчаки шайдолик учун ташриф этиб бўлмайди. Узоқ-узоқдан келган сайёҳлар олий мартабали меҳмонлар унинг таърифини, афсонаю ривоятларини, рўёси-ю ҳақиқатларини ўз қалбларида жойлаб дунёнинг турли бурчакларига олиб кетаверадилар.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ишонч» мухбири

Яқин ўтмиш эртаги

«МЕНИНГ ИККИ ЭЧКИМ БОР...»

Бир гал қишлоққа йўлим тушганида онам:

— Эрмат аканг ҳам оламдан ўтди. Қачон кўришсак, сени сўрарди, — деб қолди.

Бўйчан, қадди-қомати келишган, юзларида чечак излари сақланган, қишлоқ тўйларини гуллатадиган бу қувноқ инсоннинг вафот этганига негадир ишонгим келмасди. Устачилик қиларди. Кўпинча тешами, болтами, ҳуллас, дурадгорнинг қайсидир бирон асбоби белига қистирилган бўлар, доимо велосипед миниб юрарди. Баҳор келиб, қурт боқиш мавсуми бошланиши олдидан уйимизга сўкичак қилиш кўпинча шу одам зиммасига тушарди. Биз болалар Эрмат аканинг «Икки эчким бор..» деган қўшиғини яхши кўрардик. Уйимизга сўкичак қуриш учун келганида ҳам мен:

— «Икки эчким бор...» қўшиғингизни айтиб беринг, —дея хархаша қилардим.

Шунда Эрмат ака:

—Полвон укам, аввал сўкичакни битказиб олайлик, кейин ўйлаб кўрамиз, — дерди. Сўнг кўзини қисарди: — Бунақа яхши қўшиқлар тўйда, кўпчилик орасида айтилади, полвон укам. Қолаверса, қуруқдан қуруққа эмас, — дея жилмайиб қўшиб қўярди.

Мен «бекорга эмас» деган сўзлари маъносини тушунардим. Уста акамиз винони яхши кўрар, тушликка онажоним пиширган товуқ шўрва олдидан яширинча пиёлага тўлғазиб қуярди-да, «қулт-қулт» ютиб юборарди. Мен учун вино топиш муаммо эмасди. Отам қишлоқ дўконини очган бўлиб, иморат кичиклигидан моллари, жумладан, ичимлик ҳам омборимизда сақланарди.

Бир гал бир шиша «26» ни тинчитган Эрмат ака кўзларини юмганича «Икки эчким бор...» ни онам эшитмайдиган паст овозда узун қўлларини қуш қанотидек ёзиб ва қўшиққа мос тарзда бошига теккизиб хиргойи қилиб ўйнаётганда отам тушлик қилишга уйимизга кириб қолди. Эрмат ака жойида тек қотиб қолди. Бечора нима қилишини билмасдан шошиб:

— Укамни бир хурсанд қилай дегандим-да, мулла ака, — деган гапни такрорларди холос. Отам эскича билимни чуқур билганидан қишлоқдаги ёшу қари уни шундай деб чақирар эди.

—Майли, майли, ука, дам олинглар, — отам меҳмон кўнгли учун қулиб қўйган бўлдида, ортига бурилди.

Отам сал нари кетгач, Эрмат ака бошига шапатилаб урди:

— Лоақал шишани сал панароққа яшириб ҳам қўймабмизда, ука.

Оқшом ўрнига акамни қўйиб, овқатланишга кирган отам дастурхон устида кундузги воқеани эслади.

—Урушда бошига кўп савдо тушган. Ўзини шунақа ишлар билан овутиб юради, — дейишди. — Кейин аста қўшиб қўйди: — Замон ҳозир нозикроқ. Ишқилиб тинч бўлсин-да, бечора.

— Замонга нима бўлган? Доҳий Сталин бобомиз бор, барча бахтиёр-ку, — дедим ажабланиб.

Отам кўзлари ўйчан тортган ҳолда жилмайган бўлди-да индамайгина бошимни силади.

Шу гапдан сўнг орадан бир ҳафта ўтди, тўйдан қайтиб келган акам остонадан ўтар-ўтмас оламшумул янгилик юз бергандек ҳаммага эшиттириб:

— Эрмат ака «Икки эчким бор...» ашуласини айтаётган вақтида иккита мелиса келиб қўлларини орқасига қайириб олиб чиқиб кетишди. У немисларнинг қочиб юрган «шпион»и эмиш.

Шу заҳоти отамнинг урушда Эрматвойнинг бошига кўп савдо тушган, ишқилиб тинч бўлсинда «бечора» дегани ёдимга тушди.

Эртасига Эрмат ака хусусида «шивир-шивир» роса болалади. Кимдир Московга қамоққа олиб кетибди, деса, бошқа биров «Сибирга, борса келмасга жўнатишибди» дейди. Охирида отам «25 йилга кесишибди, жабр бўлибди-да бечорага», деган хабарни айтиб «миш-миш»га якун ясади.

Дунёда унутилмайдиган нарса йўқ. Маълум фурсат ўтгач, ҳар қандай «оламшумул» ҳодиса ҳам одамлар хотирасидан кўтарилади. «Немисларга ишлаган» Эрмат аканинг хотини ҳам орадан ўн йилларча ўтгач, икки боласини ота-онасига қолдириб эрга тегиб кетди. Орада ўша маҳалда бизлар ҳам вояга етиб катта шаҳарда ўқишни тугаллаб қишлоққа қайтдик. Бир сафар шаҳардан келсам, Эрмат аканинг қамоқдан қайтганини айтишди. Кўргани бордим. Афсуски, тўйларни гуллатиб ўйинга тушиб юрган қувноқ Эрмат ака ўрнида соч-соқоли қордек оқарган оқсоқол турарди.

Сўнгги бор Эрмат акани қўшнимиз томини лойсувоқ қилаётган маҳалда кўрдим. Тушликда уй эгасидан узр сўраб овқатга чақирдим.

— Сен шаҳарда яшаяпсан, ишинг сиёсатга яқин. Мен ҳақимдаги ҳар хил гапларга ишониб юрма, ука, — деди иккимиз ёлғиз қолганимизда. — Мен ҳеч қачон Ватанга хиёнат қилмаганман. 1943 йил бошларида Польшанинг озод этилиши учун бўлган жангларнинг бирида ўқ тегиб йиқилдим. Беҳуш ётганимда асирга олишган. Анча тузалганимдан кейин ўзим сингари ёш, соғлом йигитлар қатори асирлар орасидан ажратиб олишиб ўқитишди. Ёш эдик, ҳали ҳаётдан умидимиз катта эди, ўлишни истамасдик. Қолаверса, тирик юрсак бир амаллаб ўзимиз тарафга ўтиб олишни мўлжаллардик. Орада немис тилини ўргандим. Бизни тайёрлаб фронт ортига ташлагунларича бўлмасдан қирқ тўртинчи йил ҳам охирлаб уруш Германиягача етиб келди. Жанглар жосуслик мактабимиз жойлашган шаҳарга яқинлашганида беш йигит тун ярмида девордан ошиб қочдик. Эртасига ўрмон орасида биз сингариларни овлаб юрган махсус фашист гуруҳига дуч келдик. Икки шеригимиз ҳалок бўлди. Биз яширинишга улгурдик. Тонгга яқин немисларнинг орқа тарафига ташланган поляк партизанлар гуруҳига қўшилдик ва ғалабани улар билан биргаликда кутиб олдик.

Аммо «махсус мактаб» ҳужжатлари КГБ қўлига тушган экан. «Унутишмабди»...

Эрмат аканинг онаси Холча хола ўғли қамоқдан қайтишидан бир йилгина олдин вафот этган эди. Эндиликда уйланиб фарзандлик бўлган катта ўғли Баҳодир уй чироғини ёқиб турарди. Кенжа ўғли Ҳамид онаси билан топишиб кетган, ўгай ота вафот этгач, ўша хонадонга бориб қолган экан.

Эрмат ака қамоқдан қайтиб келгач, ўн йилга яқин умр кўрди, аммо уйланишга кўнмабди. «Яна беш-тўрт йил умр кўраманми- йўқми», деган экан.

Ҳар гал қишлоққа йўлим тушиб, Эрмат ака яшаган иморат олдидан ўтаётганимда:

Менинг икки эчким бор,
Бирини сотиб уйланаман,
деган қувноқ қўшиғи қулоқларим остида жаранглаётгандек бўлади...

Ж.ОБИДОВ

Маънавият юлдузлари

ХОЖА ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ

Тарихий манбаларда Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратларининг муборак номлари зикр этилади. Ул зот нафақат улуғ авлиё, балки миллат маънавияти ва маърифатининг, руҳият ва илоҳиёт дунёсининг кашфиётчиларидан бири сифатида тилга олинади. Хусусан, Фаридиддин Атторнинг "Тазкират ул-авлиё" китобида Юсуф Ҳамадоний машҳур шайхлар қаторида ёд этилади.

Абдураҳмон Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс" тазкирасида эса Юсуф Ҳамадоний ҳаёти ҳақида батафсил маълумот берилади. Айнан шу асар кейинчалик жуда кўплаб китобларга, шу жумладан, улуғ шайх ҳақидаги эътирофларга асос бўлган.

Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" асарида Юсуф Ҳамадонийга энг улуғ авлиё ва анбиёлар қаторида кенг ўрин ажратган. Айниқса, ушбу қайд кўп жиҳатдан эътиборлидир: "Асҳаб орасида хулофоси тўрт киши эрдилар: Хожа Абдулло Баркий ва Хожа Ҳасан Андакий ва Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний."

Агар ул ҳазрат фақат Аҳмад Яссавий ёки Абдухолиқ Ғиждувонийнинг пири комил устози бўлганда ҳам, муборак номлари, тарихимиздан ўчмас из олиши учун етиб ортарди. Бинобарин, Юсуф Ҳамадонийнинг бошқа кўплаб издошлари, шогирдлари бўлган. Қолаверса, улуғ устозлик унинг фаолият доирасига хос қирраларидан бири холос.

Юсуф Ҳамадоний орифона асарлар яратиш, воҳидликни ихтиёр этиб, тавба-тазарруга берилишдан ҳам кўпроқ мўминлар орасида юриб, уларни тўғри йўлга бошлаш, муридлар тарбияси билан узлуксиз шуғулланиш йўлини танлаган. Одамлар унинг суҳбатига ошиқишган. Шу сабабли хонақоси "Хуросон каъбаси" деб шарафланган.

Юсуф Ҳамадоний ўзининг салкам юз йиллик умри давомида кўплаб мамлакатларда сафарда бўлган. Ўттиз бор ҳоҳ пиёда, ҳоҳ отда Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара зиёратига борган. Қуръони каримни ёд олиб, минг мартадан ортиқ хатм қилган. Саккиз минг будпараст унинг даъвати билан мусулмон бўлган. Булар ҳақида Абдухолиқ Ғиждувоний "Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний" асарида ёзиб қолдирган.

Юсуф Ҳамадоний тасаввуф таълимотининг раҳнамоларидан бири сифатида чинакам хожалик-беқиёс илм соҳиби бўлиш мартабасига етишган. Бу моҳият мазмунида энг олий руҳият ва идрок, илоҳиёт қудрати билан Ҳақ таолога етишиш саодати мужассам эди аслида. Инсоний комиллик, тенгсиз маънавият ва маърифат, ватанпарварлик шу илмнинг муҳим шартлари бўлиб қолди.

Иймон билан, эҳсон билан яшаш унинг асосий шиори эди. Айниқса, сўнгги ғазилат энг юқори комиллик даражасидир.

Кўпгина муаллифлар Юсуф Ҳамадонийнинг қуйидаги асарлари мавжудлигидан шаҳодат беришади: "Рутбат ул-ҳаёт", "Кашф", "Рисола дар одоби тариқат", "Рисола дин аннол кавна мусаххарун мил инсан", "Рисола дар ахлоқ ва муножот".

"Кашф" асари бизгача етиб келмаган.

"Рутбат ул-ҳаёт" асари Сайфиддин Сайфуллоҳ ҳамда Нодирхон Ҳасанлар томонидан ўзбекчага ўгирилиб, китоб ҳолида чоп этилгани муҳим воқеа бўлди. Биз кўп йиллар олдин ўқишимиз ва уқишимиз лозим бўлган мазкур рисола кўнгилларни очувчи ва нурга тўлдиргувчи китоблар сирасига киради.

II

Юсуф Ҳамадоний тасаввуф тариқатларининг асосларини яратди. Унинг "Хуш дар дам", "Нодар ба қадам", "Сафар дар Ватан", "Хилват дар анжуман" каби асарлари комилликка эҳтиёж шартларининг ҳикматдир. Бу ҳақда исломшунос олимлару орифлар такрор-такрор ўз сўзларини айтадилар. Ҳар сафар таҳлилу таъкидлар янгича янграйди. Аммо барисида бир муштараклик — ҳар бир дамни, ҳар бир нафасни ўз Ватанингга, ҳатто кўпчиликароқ хилватда ҳам илоҳий куч-қудратга, ҳаққа етишиш йўлида беқиёс имконга эга эканлигини, ҳар бир қадамда тўғри йўлдан юриб, ўз юртинг аро, камтару камсуқумликларда кўп эзгуликларга бел боғлаб чуқур ҳис қилиш мумкин. Аслида Юсуф Ҳамадонийнинг азиз умри ҳам шу йўлга бахшида бўлган.

III

Улуғ бир авлиё дорилфанодан дорилбақога рихлат қилганларида каттаю кичик мотам тутибди. Етти азим мамлакат подшоҳлари ул табаррук зотнинг тобутини ўз юртларига олиб кетмоқчи бўлишибди.

Ўртада низо чиқмаслик учун нима қилиш керак? Донишманд оқсоқоллар бунинг биргина чорасини топишибди. Яъни, еттита тобут тайёрланибди. Уларга авлиёнинг ва яна у билан бир кунда вафот этган олтита уламонинг жасади солинибди. Қайси бирида авлиёнинг жасади эканлиги сир тутилибди. Охир-оқибат бу ҳукмга рози бўлган подшоҳлар ҳар бири ўзи билан бир тобут олиб кетибди ва ўз юртида авлиёнинг мақбарасини қурдирибди. Йиллар ўтиб, донишманд оқсоқоллар оламдан ўтишиб, сир ҳам унутилибди.

Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат" асарида Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг вафоти ҳақида шундай дейилади:

"...Марв азиматига мурожаат қилганда, йўлда беш юз ўттиз бешда фавт бўлди ва андаки фавт бўлди дафн қилдилар ва неча вақтдан сўнгра Марвга нақл қилдилар ва мозори Марвдадир".

"Рутбат ул-ҳаёт" ("Ҳаёт мезони") асари ҳақидаги сўзбошида эса таржимонлар Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари 535 ҳижрий (1141 милодий) йилда Афғонистоннинг Бомиён шаҳрида вафот этганлигини ва дафн қилинганлигини, васиятига кўра жасади муридлари томонидан Марвга кўчириб кетилганлигини ва дафн қилинганлигини ёзадилар. Албатта, таржимон олимлар ишончли бир далилга эга бўлсалар керакки, ҳатто энг мўътабар манбага ҳам аниқлик киритмоқчи бўлишган. Шу ноаниқликка аниқлик киритиш жуда муҳим. Бу шунчаки, жой номларидаги эмас, тарихий асослар силсиласидаги аниқлик бўлур эди.

Туркманистоннинг ҳозирги Байрамоли шаҳри ҳудудида қадимий Марвнинг вайроналари жойлашган ва у ерда ҳақиқатан ҳам Юсуф Ҳамадоний қабри бор. Унинг атрофида салобатли мақбара ёки зиёратгоҳ мажмуа эмас, одам бўйидан хийла баланд кўшксимон минора ўрнатилган.

Ажабки, бундан бир неча йиллар олдин хоразмлик бир гуруҳ илму ижод намояндалари ташриф буюрган пайтимизда у ерда жуда кам одамни учратдик. Эҳтимол бунинг боиси Султон Санжарнинг, Туркистондаги Аҳмад Яссавий мақбарасига монанд (аммо ундан кўп хароб) мақбараси хожанинг зиёратгоҳига соя солиб турганидадир.

Агар Шовот туманида ҳам Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳи бўлмаганида, юқоридаги фикрлар кўп ҳам аҳамиятли бўлмас эди. Нафақат Хоразм, балки кўпгина яқину йироқдан, шу жумладан, Туркманистоннинг катта қисмидан ҳам маҳаллий аҳоли Юсуф Ҳамадоний қабри шу ерда деган ишончда. Ҳар куни камида юздан зиёд, чоршанба кунлари ва ҳайит байрамларида эса мингга яқин зиёратчилар бу масканга ташриф буюришади.

Уч гумбазли улкан мақбара ичида Юсуф Ҳамадоний билан бирга Ғавсул Аъзам пир ҳамда Саид Ҳамадоний ҳазратларининг қабрлари бор.

Мустақиллик йилларида зиёратгоҳ обод бўлди. Мақбара таъмирланди. Масжид қурилди, шифо топишдан орзуманд ва эҳтиёжманд кишилар учун ётоқхоналар қурилди. Серфайз ҳовуз ва боғу гулзор барпо этилди. Бир сўз билан айтганда, бобокалонларимизга ҳурмату эъзознинг ифодасига айланди.

Бундан ўн йилча илгари Эрон элчихонаси намояндалари (хусусан, элчи Муҳсин Покоин жаноблари) Хоразмга ташрифи чоғида, Юсуф Ҳамадоний зиёратгоҳи билан яқиндан танишдилар. Шу пайтда меҳмонлар авлиёга ўзбеклар диёридаги эҳтиромдан ғоят таъсирландилар.

Меҳмонлар хоразмлик илму ижод вакилларининг Ҳамадонга ташрифи фойдадан холи бўлмаслиги фикрини ўртага ташлашди.

Шу тариқа, аслида тасодифга эмас, руҳиятнинг ҳамиша ҳам охиригача илғаб бўлмайдиган қонуниятларига асосланган сафар имконияти туғилди.

Ҳамадон — қадим шаҳар. Унинг тавсифи алоҳида бир мавзу. Аммо улуғ бобокалонимиз Ибн Сино ҳазратларининг қабри айнан шу жойда эканлиги улкан мақбара алломанинг шону шавкатидан бир қадар дарак беради, дейиш мумкин.

Очиғини айтганда, Эронда, жумладан Ҳамадонда Юсуф Ҳамадоний тўғрисида айрим мутахассислардан ташқари кўпчилик деярли ҳеч нарса билишмайди. Бу табиий. Чунки у Ҳамадонда туғилса-да, ўз умрининг катта қисмини юртимизда ўтказган.

Ҳамадондан кўп ҳам узоқ бўлмаган Бузанжирд қишлоғида қадимий шаҳарнинг вайроналари кафтдек кўриниб туради. Қанча алломаю орифлар шу жойда туғилиб, унинг шавкатини дунёга ёйишган.

Ҳамадондан Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари ҳақида айрим ёзма манбаларни олиб қайтдик. Улар таржима қилиниб, газеталарда чоп этилди. Уларда авлиёнинг кимлардан таълим олганлиги, қаерларда қандай фаолият кўрсатганлиги ҳақида кенгроқ маълумот берилган. Хусусан, Султон Санжар Юсуф Ҳамадоний хитобномасидан тартиб ва йўл сифатида фойдаланган.

Бузанжирддан олиб келинган бир сиқим тупроқни Шовотдаги Юсуф Ҳамадоний мақбараси олдидаги дарахт остига тўкдик. Авлиёнинг руҳи поклари бундан шод бўлганлиги, шубҳасиз.

Сотим АВАЗ

Ўзбекистон маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ва маданият ходимлари Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон халқ артисти **Қўрқмас МУҲИТДИНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
O'K.U.F. F.T.U.U.
ОЛИЙ БАХТ

БОШ МУҲАРРИР
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Гуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият
153-52-78
Бўлимлар
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими: 153-87-63
Ижтимоий-иқтисодий сиёсат бўлими: 153-87-74
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими: 153-87-73
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт бўлими: 153-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими: 153-85-43
Реклама ва эълонлар бўлими: 153-03-90

БИЗНИНГ МАНЗИЛ:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Навбатчи котиб - А.Алламуродов
Навбатчи муҳаррир - Д.Мадиев
Навбатчи - Р.Сайидаҳмедова
Мусаҳҳиҳ - Д.Комолов

Саҳифаловчи-дизайнер: З.Бакиров ва Ю.Михайловский

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 20.30

Буюртма Г— 015

Тиражи: 19246

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси